

**НОЯБРЬ.
ОЙ МАВЗУСИ: ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ**

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Рангли светофор						
Муддати	Ноябрь ойининг 2-хафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Ип бўйлаб ҳаракатланишда мувозанатни сақлай олиш, самокатда училишни ууддалаш, ўнг ва чап қўлларда навбат билан тўпни ерга уриш, ўнг, чап томонларга қараб айланишни билиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўйин вақтида ўзаро ҳамжиҳатлик билан ўйнаш, ўйинчоқларини бошқалар билан баҳам кўриш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Ўзгалар бошлаган ҳикояни давом эттириш, муҳокамаларда иштирок этиб, савол билан мурожаат қила олиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Йил фасллариға хос табиат ҳодисаларини билиш, катталар билан биргаликда ўтказиладиган тажрибаларда қатнашиш, лойиҳалашда иштирок этиш, лего, мозаикаларни йиғиш.					
	Ижодий ривожланиш	Амалий санъат турлари тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш, деталларига эътибор қаратган ҳолда асар қаҳрамонларини тасвирлаб расмлар чизиш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш-яшаш ва математика	Светофор		Йўл қоидалари мамлакатига саёҳат Таълимий ўйин			Намуна, клей, чўтка, салфетка, оқ ва рангли қоғоз, АКТ, кубик ва коптоклар.
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Шаҳар бўйлаб саёҳат					Ҳайдовчи кепкаси, руль, йўл белгилари, иллюстрациялар.
	Тил ва нутқ	Сувнинг хусусиятлари билан танишув: Ер юзидаги энг қадрли неъмат					АКТ, глобус, колба, 2 та сувли кўза, термос, кўзгу, муз, тошча, қоғоз салфеткалар.
	Фан ва табиат	«Рангли светофор» мавзусида ҳикоя тузиш		«Ўйинчоқни топ» мавзусида тасвирли ҳикоя тузиш			Сюжетли расмлар, АКТ; йўл белгилари, рангли ҳалқа, ўйинчоқ мушукча, қуёнча, айиқча, бузоқча.
	Санъат	Лой: Светофор		Аппликация: Шаҳар кўчаларидаги машиналар		Расм: Светофор	Ақварель бўёқ, мўйқалам, А-4 ҳажмли қоғоз, қора қалам, рангли қоғозлар тўплами, елим, мўйқалам, салфеткалар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

НОЯБРЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАР ХИЗМАТИ

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Гараж

Мақсад: болалар ўлчамни аниқ оладилар, нутқда узун, олдинда, ёнида, ўнгда, чапда сўзларини ишлатадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, кубик, леґо, ўйинчоқ машиналар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гараж намуналарини кўздан кечириш.
2. Керакли жиҳозларни танлаш.
3. Ижодий иш.
4. Тайёр гаражлардан фойдаланиб ўйин ташкил этиш.

Қўшимча: сайр вақтида гараж, автомобиль тўхташ жойларини томоша қилиш, уларнинг қандай қурилганлигини ўрганишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: мақсад асосида бажарилаётган ишни якунига етказа олиш.

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Транспорт турлари

Мақсад: болалар турли транспорт воситаларини бошқарадиган касб эгаларини биладилар. Арифметик мисолларни ечадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, леґо, ўйинчоқ машиналар, машина ҳайдовчиси, тракторчи, капитан, учувчи, велосипедчи тасвирланган сурачлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Касблар ва транспорт воситалари мавзусида суҳбат қуриш, топишмоқлар топиш.
2. Намуналарни кўриш.
3. Керакли жиҳозлар.
4. Ижодий иш.
5. Ишни таҳлил қилиш.

Қўшимча: машиналар билан ўйнаш, сайрда кузатиш, расмлар орқали турли транспорт воситаларини кўздан кечириш.

Эътиборга молик жиҳати: боғланишли нутқни ривожлантириш, луғат бойлигини ўстириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

Шифохона

Мақсад: болалар тиббиёт ходимларнинг меҳнатлари билан танишадилар, тез тиббий ёрдам машинасининг махсус транспортлиги ва унинг телефон рақамини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сюжетли расм, халат, қалпоқча, ниқоб, руль, тез тиббий ёрдам машинаси.

Фаолиятнинг бориши:

1. Шифохона ходимлари фаолияти акс эттирилган расмларни томоша қилиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Ўйинни режалаштириш.
4. Ўйиннинг бориши.
5. Якун, муҳокама, рағбатлантириш

Қўшимча: бадиий адабиётларни ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: янгиликларга нисбатан бўлган қизиқиш ва интилиш, беморларга нисбатан ғамхўрлик ҳиссини, ижодий қобилиятларни ривожлантириш.

Тил ва нутқ маркази

Суҳбат: Ўт ўчирувчилар касби. “С” товушини тўғри талаффуз қилиш.

Мақсад: ўт ўчирувчи касбининг машаққатли касб эканлиги хақида тушунчаларга эга бўладилар, ўт ўчириш машинасини бошқа машина турларидан ажрата оладилар. расмли карточкаларга қараб буюмларнинг номларида “С” товуши иштирок этаётганлигини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сюжетли расм, ўйинчоқ ўт ўчириш машинаси; «С» товуши иштирок этган буюмлар тасвирланган расмли карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Ўт ўчириш машинаси билан танишув (ушлаб кўриш орқали қандай қисмлардан ташкил топганлигини таҳлил қилиш)
3. Сюжетли расмдаги воқеа-ҳодисалар асосида суҳбат.
4. «С» товуши иштирок этган предметлар тасвирланган суратларни томоша қилиш, улар иштирокида гаплар тузиш.

Қўшимча: бадиий адабиётларни ўқиш, ҳаёт ҳавфсизлиги асослари юзасидан суҳбат. Расмлар асосида гап тузиш малакаларини шакллантириш, мулойим сўзлашга ўргатиш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳаёт ҳавфсизлиги асосларига амал қилиш, «С»товушини тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.

Тил ва нутқ**Тасвири ҳикоя тузиш: Уй-рўзғор буюмлари**

Мақсад: болалар уй-рўзғор буюмларини биладилар ва уларнинг вазифалари билан танишадилар, буюмлардан фойдаланишда эҳтиёткорлик ва тўғри фойдаланишга одатланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кичик ўлчамдаги идишлар тасвирланган жадвал (ҳар бир болага алоҳида хат жилдлари, стакан, чашка, ликопча, қанд, сут идиши. Тасвири ҳикоянинг жадвали.

Фаолиятнинг бориши:

1. Жадвални кўриш ва уни таҳлил қилиш.
2. Тасвири ҳикоя тузиш.
3. Пантомима: Идишларни ювамиз.
4. Этюд: Қайнаган чойнак.

Қўшимча: болаларни чой идишлари, ошхона буюмлари, хўжалик буюмлари тушунчалари билан таништириш.

Эътиборга молик жиҳати: тасвири ҳикоя тузиш малакаларини шакллантириш.

Фан ва табиат**Кумнинг хусусиятлари билан танишиш**

Мақсад: болалар кумнинг хусусиятларини биладилар: куруқ, ҳўл, нам, сочиловчан, ёпишқоқ, намлигида ранги ўзгаради.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кум тўлдирилган ўйинчоқ юк машинаси, куруқ ва нам кумлар солинган тоғорача, сув солинган тоғора, болалар челаги, фартук, салфетка ва лупалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Кумни таҳлил қилиш”. Лупа ёрдамида кумнинг таркибини диққат билан кузатинг (жуда кичик кум дончаларидан иборат). Кум дончалари қандай шаклга эга? Улар жуда кичкина, думалоқ, ярим шаффоф (ёки кумнинг турига қараб оқ, сариқ ва бошқа рангларида). Кум зарралари бир-бирига ўхшайдими? Нимаси ўхшайди, қайси жиҳатлари фарқланади? Кум заррачаларининг ҳар бири алоҳида, улар бошқа “кўшни”ларига ёпишмайдилар.

2. «Тарқоқ кум». Тоза кум олинг ва уларни катта лотокка тўкиб, кум заррачаларининг шаклини лупа ёрдамида кузатинг. Шунда уларнинг ҳар хиллигига ишонч ҳосил қиласиз, чўлларда улар ромб шаклида бўлади. Бундай кумларни кўлингизга олсангиз унинг тарқоқлиги яққол билинади.

3. Кум билан амалий тажриба. Кум солинган стаканга эҳтиёткорлик билан озроқ сув қуямиз. Кумга тегинамиз. У қандай ҳолатга келади? Ҳўл ва нам бўлди. Сувимиз қаёққа кетди? Сув кумнинг таркибига сингди ва “қулай жойлашиб олди”. Таёқчамизни ҳўл кумга ўрнатишга ҳаракат қиламиз. Сизнингча таёқчамиз нам ёки куруқ кумдан қай бирига осон ўрнатилади? Сўнгра тупроқ солинган стаканга озроқ сув қуямиз. Стаканда сувнинг тез ёки секин сўрилиш тезлигини кузатамиз. Албатта бу жараён кумдагига нисбатан бир неча баробар секин кечади. Бундан ташқари, сувнинг бир қисми тупроқнинг юзасида шимилмасдан қолиб кетади. Амалга оширилаётган амалий тажрибанинг таъсири ҳамда ошкоралигини таъминлаш мақсадида ҳар иккала стаканга сув солиш ҳамда сувнинг сингиш жараёнларини бир вақтнинг ўзида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳам турли дарахт кўчатлари ва бошқа маҳсулотларни экишдан олдин деҳқонларимиз ерларни суғоришлари уруғ қадаш ва унинг ўсиб чиқишида муҳим эканлигини болалар билиб олишадилар.

4. “Ҳўл кумнинг хусусиятлари”. Ҳўл кумни кафтимизга олганимизда бармоқларимиз орасидан оқиб тушмайди, қуригунча исталган шаклга келтириш мумкин. Кум сувга текканда улар орасидаги ҳаво чиқиб кетади ва кум зарралари ўзаро ёпишқоқлик хусусиятига эга бўлиб қолади.

Қўшимча: кум ва тупроқни таққослаш.

Эътиборга молик жиҳати: амалий тажрибада қатнашиш истагининг мавжудлиги, боланинг кизикувчанлиги.

Санъат маркази

Расм: Транспорт турлари

Мақсад: болаларда транспорт ва унинг турлари тўғрисидаги тасаввурлар шаклланади; контур бўйлаб чизиш кўникмалари ривожланади, қалам ва мўйқаламни тўғри тутган ҳолда вертикал ва горизонтал ҳолатда штрихлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, рангли қалам, оқ ва рангли қоғоз, транспортлар тасвири туширилган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани томоша қилиш.
2. Керакли жиҳозларни танлаб олиш.
3. Ижодий ишни режалаштириш.
4. Ижодий иш.
5. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: турли предметлар ёрдамида таълимий ўйинлар ўтказиш.

Эътиборга молик жиҳати: расмда предметларнинг ўзига хос шакл ва жиҳатларини яққол тасвирлай олиш.

Санъат маркази

Аппликация: Кўчада машиналар ҳарактланмоқда

Мақсад: болалар транспорт турларини биладилар, предметларнинг шакллари аждатадилар, предметлар тасвирини чиза оладилар. Турли қирқиш усуллари ҳамда елимлашнинг ўзига хос технологияларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қоғоз, елим, мўйқалам, қайчилар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни кўздан кечириш, машиналарни санаб бериш.
2. Машинага мос детални танлаш.
3. Аппликация учун зарур деталлар тайёрлаш.
4. Намуна асосида аппликация ясаш.
5. Умумий композиция яратиш.

Қўшимча: машиналар ҳаракатини кузатишни таклиф этиш, мавзу асосида мультфильм томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: эътибор ва синчковлик билан елимлаш, тасаввурларни кенгаштириш.